“KAFIL-SUG`URTA” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг
Қароридан Кўчирма

Тошкент шаҳар “03” август 2026 йил

Қарор қабул қилишда иштирок этганлар:

Ягона акциядор “KICHIK SANOAT MARKAZI” МЧЖ номидан директор У.Т.Исаков;

Таклиф этилганлар:

1. Кузатув кенгаши раиси А.М.Хамидов
2. Кузатув кенгаши аъзоси С.С.Ганиев

КУН ТАРТИБИ:

1. “KAFIL-SUG’URTA” акциядорлик жамиятининг Бошқаруви (ижроия органи) таркибига тегишли ўзгартириш киритиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги масала юзасидан, Кузатув кенгаши раиси А.М.Хамидов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 79-моддаси ҳамда “KAFIL-SUG’URTA” акциядорлик жамияти Устави 19.6-бандига мувофиқ Жамият Бошқарув аъзоси Дадажанов Нодир Бахадировични муддатидан олдин Бошқарув аъзолигидан озод этишни ва унинг ўрнига “Молиявий таҳлил” департаменти директори Усманов Азизбек Албек углини сайланишини таклиф қилди.

Ўзаро муҳокамадан сўнг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 58-моддаси ва “KAFIL-SUG`URTA” АЖ Устави 17.7-бандига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар барча оддий акцияларга эгалик қилувчи ягона акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинишини инобатга олиб, ягона акциядор “KICHIK SANOAT MARKAZI” МЧЖ кун тартибига қўйилган масала юзасидан

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “KAFIL-SUG’URTA” акциядорлик жамиятининг Бошқарув аъзоси Дадажанов Нодир Бахадирович муддатидан олдин Бошқарув аъзолигидан озод этилсин ва унинг ўрнига “Молиявий таҳлил” департаменти директори Усманов Азизбек Албек угли сайлансин.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув раиси Ф.А.Артиков зиммасига юклатилсин.

Ушбу қарор 2026 йил “ 03 ” август куни тузилди.

Ягона акциядор
“KICHIK SANOAT MARKAZI” МЧЖ имзо **У.Т. Исаков**
номидан директор